

AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Special Issue | pp. 327-333 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИ ТАРКИБИ ВА ЎЗГАРИШИ ДИНАМИКАСИ



Муратов Амир Тимур ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Молия ва бухгалтерия ҳисоби факультети талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада тижорат банклари капитали таркиби ва уларнинг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган. Тижорат банклари капитали барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш борасида халқаро Базель қўмитаси стандартлари мавжуд бўлиб, ушбу стандартлар халқаро иқтисодий ва банк кризислари натижасида такомиллашиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилдан бошлаб Базель III стандартининг жорий этилиши банк тизими капиталининг банкларни банкротликдан сақлаш мақсадидан банклар банкрот бўлгандан кейин ҳам олдидаги бирламчи мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини таъминлаш мақсадига ўтказилди. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталида катта ўзгаришлар амалга оширилди.

Калит сўзлар: тижорат банклари, депозит, мажбурият, трансакцион депозит, муддатли депозит.

COMMERCIAL BANKS CAPITAL COMPOSITION AND DYNAMICS OF CHANGES

Muratov Amir Timur ogli
student at Tashkent State University of Economics,
Faculty of Finance and Accounting

Abstract: This article analyzes the capital structure of commercial banks and their dynamics of change. There are standards of the international Basel Committee on ensuring the stability and reliability of the capital of commercial banks, and these standards are being improved as a result of international economic and banking crises. In particular, since 2011, the introduction of the Basel III standard has shifted the capital of the banking system from the purpose of saving banks from bankruptcy to the purpose of ensuring the ability of banks to fulfill their primary obligations even after bankruptcy. As a result, major changes were made in the capital of commercial banks.

Keywords: commercial banks, deposit, liability, transaction deposit, term deposit.

Кириш

Тижорат банклари молиявий барқарорлиги кўп жиҳатдан унинг ресурслари барқарорлигига боғлиқдир. Агар тижорат банкларида ишончли, узоқ муддатли

ресурслари умумий ресурслари таркибида катта қисмни ташкил қилса, ушбу тижорат банклари ташқи иқтисодий ўзгаришларга қарши барқарор сиёсат юрита олади. Шу билан бирга банкларда барқарор ресурслар самоғининг қўплиги мижозларни улоқ муддатли кредитлар билан таъминлашга ҳам асос беради. Бизга маълумки тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари иқтисодиётда асосий воситаларнинг янгиланишига, фан ва технологияларнинг ривожланишига ҳисса қўшади.

Илмий ишимизда тижорат банклари пасивларида мажбуриятларнинг шаклланиши ва унда депозитларнинг ўрни борасида таҳлиллар олиб бордик. Ушбу пагаргафимизда эса тижорат банкларининг капитали борасида таҳлиллар ўтказамиз.

Тижорат банкларида ўз капитали умумий ресурслари таркибида катта қисмни эгалламасада, унинг банк тизими барқарорлигида ҳиссаси юқоридир. Ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги аксарият тижорат банкларида умумий капитали жами ресурслари таркибида 15-20 фоизни ташкил қилмоқда. Албатта бу кўрсаткич паст бўлсада, тижорат банкларига рискли актив операцияларини амалга ошириш учун етарли ҳисобланади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлашимиз лозимки, тижорат банклари капитали умумий ресурслари таркибида улуши паст бўлиши билан бир қаторда ушбу капитали такрибида ҳам имтиёзли нокумулятив акциялар, субординар қарзлар каби қарз маблағлари жой олган. Шундан келиб чиққан ҳолда регуляторлар томонидан тижорат банклари капитали гуруҳларга ажратилади ва уларнинг ҳар бирига маълум бир талаблар ўрнатилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

J. Dagher ва бошқаларнинг фикрича, тижорат банклари умумий капиталининг минимал даражаси ва умуман олганда, банкнинг турли йўқотишларни қоплаш қобилияти инқироздан кейинги даврда сиёсий муҳокамалар марказида бўлди. Юқоридаги олимларнинг илмий ишлари банк инқирозларида уларнинг кредиторлари ва мижозларига зарар етказмаслик ёки 2008 йилларда бошланган банк инқирозлари каби кризис вақтларда банкларни оммавий давлат томонидан қайта капиталлаштиришга мурожаат қилишнинг олдини олиш учун қанча капитал керак бўлишига эътибор қаратиш орқали мунозараларга ҳисса қўшади. Уларнинг илмий ишлари, шунингдек, капитални тартибга солишни кучайтиришнинг ва уларга қўйилган минимал талабларни оширишнинг ижтимоий харажатларини банк кредитлари ва фоиз ставкаларига потенциал таъсирини таҳлил қилишган. Уларнинг илмий ишлари натижалари Молиявий Барқарорлик Кенгаши (Financial Stability Board (FSB)) ва Базел қўмитаси томонидан тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар учун тавсия этилган йўқотишларни қоплаш даражасини ҳам кенг қўллаб-қувватлайди.¹

¹ Dagher, J., Dell'Ariccia, M. G., Laeven, M. L., Ratnovski, M. L., & Tong, M. H. (2016). *Benefits and costs of bank capital*. International Monetary Fund.

О. De Jonghe илмий ишларида 1994-2010 йиллар оралигида 64 та мамлакатнинг глобал статистик маълумотларидан фойдаланган ҳолда тижорат банклари умумий капиталининг динамик ҳаракатини кўриб чиққан. Таҳлил натижаларига кўра тижорат банклари қарз маблағларини камайтиришни биринчи навбатда ўз капиталини ошириш орқали эришган. Аксинча, улар фойдани ушлаб туришни камайтириш ва активларни сезиларли даражада кенгайтириш орқали қарз маблағларини кўпайтиришга интилишган. Капитал таркибини ўзгартириш ва уларни ошириш турли мамлакатларда турлича амалга оширилаётганлиги аниқланган. Тижорат банклари капиталига нисбатан талабларнинг кучли бўлган, яхши назорат мониторинги ўрнатилган, ривожланган капитал бозорлари ва юқори инфляцияга эга бўлган мамлакатларда капитал структураси тезроқ ўзгартирилиши ва мослаштирилиши кузатилган. Шунингдек, турли инқироз даврида ҳам тижорат банклари капитал структурасини тезроқ ўзгартириши аниқланган.²

Leonardo Gambacorta ва Hyun Song Shin томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар инқироздан кейинги даврда Марказий банклар пул-кредит сиёсатида ўзгаришлар ва ушбу ўзгаришларнинг тижорат банклари капитали билан боғлиқлигига қаратилган. Уларнинг тадқиқотларида пул-кредит сиёсатининг мақсадларидан бири сифатида тижорат банклари кредитларининг иқтисодиётга кетишдаги тўсиқларни олиб ташлаш ва қарз олувчилар учун кредит шартларини энгиллаштириш келтирилган. Улар тижорат банкларининг умумий капитали банкнинг молиялаштириш харажатларини ҳам, кредитлашнинг ўсишини ҳам муҳим белгилловчи омил эканлигини аниқлаган. Таҳлил натижаларига кўра, мамлакатлараро банклар даражасида ўтказилган тадқиқотда улар тижорат банклари капиталининг умумий активларига нисбатининг 1 фоиз пунктга ўсиши банклар учун кредитларни молиялаштириш харажатларининг 4 базавий пунктга қисқариши ва йиллик кредит ўсишининг 0,6 фоиз пунктга ўсиши билан боғлиқлигини аниқлаган.³

H.Fraisse, M.Lé, ва D.Thesmar томонидан кредитлар ўзгариш даражасидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда банк капиталига қўйилган талабларнинг корпоратив мижозларга кредитлар ва банкнинг инвестицион лойиҳаларни кредитлашига таъсирини таҳлил қилинган. Уларнинг фикрича, Базел II меъёрий-ҳуқуқий базасида келтирилган капиталга қўйилган минимал талаблари натижасида тижорат банклари капитали таркиби ва ўзгариш тенденцияси фирмалар капиталига қараганда кескин фарқ қилади. Бу бизга фирмалар томонидан кредитга бўлган талабларининг ўзгаришини ва тижорат банклари томонидан кредит таклифидаги ўзгаришларни назорат қилиш имконини беради. Таҳлил натижаларига кўра, банк капиталининг минимал даражасига қўйилган талабларнинг 1 фоизга ошиши кредитлаш ҳажмининг 10 фоизга қисқартириши аниқланган. Бу каби қисқартиришга қарши ўлароқ, корхона ва фирмалар турли банкларга мурожаат қилиш ва кредитлар олиши мумкин, аммо бу ҳам фақат

² De Jonghe, O., & Öztekin, Ö. (2015). Bank capital management: International evidence. *Journal of Financial Intermediation*, 24(2), 154-177.

³ Gambacorta, L., & Shin, H. S. (2018). Why bank capital matters for monetary policy. *Journal of Financial Intermediation*, 35, 17-29.

қисман қоплаши мумкин. Банклар томонидан кредитлаш ҳажмининг қисқариши корхоналарнинг асосий воситаларига қилинадиган инвестицияларига салбий таъсир қилиш аниқланган. Хусусан, банк кредитлари ҳажмининг қисқариши оқибатида корхоналарнинг асосий воситага қилинадиган инвестициялари ҳажмини 2,6% га қисқартириши, аммо кредитлар ҳажмининг қисқариши корхоналар айланма маблағларининг қисқаришига олиб келмаслиги эмпирик таҳлиллар орқали аниқланган ва исботлаб берилган.⁴


D.Kim, ва W. Sohn томонидан банк капитали етарлигининг кредитлаш ҳажмига таъсирини ўрганилган. Яъни, илмий ишларида банк капиталининг кредитлашга таъсири банк ликвидлиги даражасига қараб фарқланишини ўрганиш учун АҚШ фаолият олиб бораётган тижорат банкларининг чорақлик статистик маълумотларидан фойдаланилган. Улар томонидан олиб борилган илмий ишлар натижасига кўра, банк капитал ўсишининг кредит ўсишига таъсири фақат йирик банкларда ликвидлик даражаси таъминланган бўлсагина тўғри пропорционал шаклда бўлган. Бу ижобий муносабатлар ўтган сўнгги молиявий инқироз даври мобайнида сезиларлироқ бўлган. Бу натижа шуни кўрсатадики, банк капитали фақат йирик банклар етарли ликвид активларни сақлаб қолгандан кейингина кредитлашга сезиларли ижобий таъсир кўрсатади.⁵

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Шунингдек, тижорат банклари ресурс базаси барқарорлигини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Статистика қўмитасининг расмий статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлилларимизда тижорат банклари капитали ҳолати, унинг таркибининг ўзгариши, регулятор томонидан белгиланган меъёрий даражаларнинг бажарилиши ҳамда тижорат банклари молиявий барқарорлиги каби кўрсаткичларни кузатамиз.




⁴ Fraisse, H., Lé, M., & Thesmar, D. (2020). The real effects of bank capital requirements. *Management Science*, 66(1), 5-23.

⁵ Kim, D., & Sohn, W. (2017). The effect of bank capital on lending: Does liquidity matter?. *Journal of Banking & Finance*, 77, 95-

1-расм. Банк тизими капитали ва унинг ўзгариш динамикаси (млрд.сўмда).⁶

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, унда тижорат банклари капитали охири етти йилда кескин ошган. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари капитали 8,98 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига келиб 79,56 трлн.сўмга етган ва қўрилган давр оралиғида тўққиз баробарга яқин ошган.

Шунингдек, тижорат банклари капиталининг йиллар давомида ўзгариши ҳам таҳлил қилинган бўлиб, унга кўра энг катта ўзгариш 2017 йилда собир бўлган. Хусусан, 2017 йилда 2016 йилга нисбатан тижорат банклари капитали 130,2 фоизга ўзгарган. Ушбу ўзгариш табиий ўзгариш дейиш мумкин эмас. Ушбу ўзгариш асосан миллий валюта девальвацияси натижасида содир бўлган. 2017 йил 1 октябрдан тижорат банклари устав капиталини миллий валютада шакллантириш лозимлиги белгиланди. Ўша даврда тижорат банкларида хорижий валютада шакллантирилган устав капиталини белгиланган тарбида сотиш орқали миллий валютага ўтказилиши натижасида капитали миқдори кескин ошишга сабаб бўлди.



2-расм. Банк тизими капитали таркибининг ўзгариш динамикаси (млрд.сўмда).⁷

⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф

Тижорат банклари капитали таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, унда капитал таркиби асосан устав капитали, тақсимланмаган фойда, захира капитали ҳамда қўшилган капиталдан ташкил топган. Ушбу кўрсаткичлардан энг йириги бу устав капитали ҳисобланади. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизими устав капитали 5,81 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 59,86 трлн.сўмни ташкил қилган. Шунингдек, тижорат банкларининг тақсимланмаган фойдаси ҳам катта улушга. Хусусан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизимида тақсимланмаган фойда 1,67 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 11,39 трлн.сўмни ташкил қилган.

Тижорат банкларининг захира капитали ҳам йиллар давомида ошиб борган. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизимида захира капитал 1,47 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 7,32 трлн.сўмни ташкил қилган.

Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида фаолияти етарлича ривожланмаганлигини кўплаб статистик маълумотлардан ҳам кўришимиз мумкин. жумладан, тижорат банклари устав капиталида қўшимча капитал сезиларсиз улушга эга бўлиб қолмоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2017 йил 1 январь ҳолатига банк тизими капиталида қўшимча капитал 0,04 трлн.сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 0,99 трлн.сўмни ташкил қилмоқда.

Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, тижорат банклари капиталида асосий ўринни устав капитали эгалламоқда. Аммо, тижорат банкларининг фойдаланмаётган имкониятлари талайгина. Бундай имкониятлардан бири сифатида қимматли қоғозлар бозорини келтиришимиз мумкин. Хусусан, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида фаолиятини кенгайтириш орқали уларга банк капиталини ошириш имконияти мавжуд.

Тижорат банклари капитали барқарорлиги ва ишончилигини таъминлаш борасида халқаро Базель қўмитаси стандартлари мавжуд бўлиб, ушбу стандартлар халқаро иқтисодий ва банк кризислари натижасида такомиллашиб бормоқда. Хусусан, 2011 йилдан бошлаб Базель III стандартининг жорий этилиши банк тизими капиталининг банкларни банкротликдан сақлаш мақсадидан банклар банкрот бўлгандан кейин ҳам олдидаги бирламчи мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини таъминлаш мақсадига ўтказилди. Бунинг натижасида тижорат банклари капиталида катта ўзгаришлар амалга оширилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Тижорат банклари капитали ўзгариш динамикасини таҳлил қилиш натижасида 2017 йилда 2016 йилга нисбатан тижорат банклари капитали 130,2 фоизга ўзгарганлиги ва ушбу ўзгариши табиий ўзгармаганлиги аниқланди. 2017 йил 1 октябрдан тижорат банклари устав капиталини миллий валютада шакллантириш лозимлиги белгиланди. Ўша даврда тижорат банкларида хорижий валютада

шакллантирилган устав капиталини белгиланган тарбибда сотиш орқали миллий валютага ўтказилиши натижасида капитал миқдори кескин ошишга сабаб бўлди.

Тижорат банклари капиталда асосий ўринни устав капитал эгалламоқда, аммо тижорат банкларининг фойдаланмаётган имкониятлари талайгина. Бундай имкониятлардан бири сифатида қиммали қоғозлар бозорини келтиришимиз мумкин. Хусусан, тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида фаолиятини кенгайтириш орқали уларга банк капиталини ошириш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, тижорат банкларида охириги йилларда тижорат банкларимизда жалб қилинган мажбуриятлардан ҳамда умумий ресурслардан самарали фойдаланишга ўтилган. Асосан бу ҳолат 2022 йилда янада яхшиланган. Аммо шуни ҳам таъкидлашимиз лозимки, тижорат банкларимизда юқоридаги кўрсаткичлар 2019-2021 йилларда салбий томонга ҳам ўзгарган.

Фойдаланилган адабиётлар:

Dagher, J., Dell'Ariccia, M. G., Laeven, M. L., Ratnovski, M. L., & Tong, M. H. (2016). *Benefits and costs of bank capital*. International Monetary Fund.

De Jonghe, O., & Öztekin, Ö. (2015). Bank capital management: International evidence. *Journal of Financial Intermediation*, 24(2), 154-177.

Edem, D. B. (2017). Liquidity management and performance of deposit money banks in Nigeria (1986–2011): An investigation. *International Journal of Economics, Finance and Management Sciences*, 5(3), 146-161.

Gambacorta, L., & Shin, H. S. (2018). Why bank capital matters for monetary policy. *Journal of Financial Intermediation*, 35, 17-29.

Fraisse, H., Lé, M., & Thesmar, D. (2020). The real effects of bank capital requirements. *Management Science*, 66(1), 5-23.

Kim, D., & Sohn, W. (2017). The effect of bank capital on lending: Does liquidity matter?. *Journal of Banking & Finance*, 77, 95-107.

www.cbu.uz Ўзбекистон Марказий банки расмий сайти

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

